

“Тасдиқлайман”  
“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК  
Андижон филиали директори в.б.

*[Handwritten signature]*  
**Б.Муминов**



Хўжаобод тумани Хидирша массивида қурилаётган 15 та кўп қаватли уй-жойлар учун ички йўллар қурилиши объекти бўйича тендер савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш ишларини бажарувчи ташкилот танлаб олиш учун

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Андижон шаҳар- 2022 йил

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисм**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ**

Танлов предмети: Хўжабод тумани Хидирша массивида қурилаётган 15 та кўп қаватли уй-жойлар учун ички йўллар қурилиши объекти бўйича тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш ишлари.

1.2. Танлов предметининг кийматидан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Тўловлар икки босқичда амалга оширилади.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб танлов регламентига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

1.1. “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Андижон филиали (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Андижон вилоят Андижон шаҳар А.Фитрат кўчаси 214/а уй. Эл.адрес: qqi-andijan@mail.ru

1.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

1.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга лицензияга ҳамда камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар кўйилади:

- ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- иш стажи 3 йиллик олий маълумотга эга мажбурий раҳбардан 1 киши мавжудлиги, доимий ишловчи 5 йиллик иш стажи ва тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар мавжудлиги.
- Иштирокчи ташкилотининг молиявий ахволи.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қисм. “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ

кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ булиши талаб этилади: Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (техник паспорлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.